



ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА ТАСНИФЛАНИШИ

¹Махсудинов Садриддин Эркинович

Ўзбекистон Миллий университети ҳарбий тайёрғалик ўқув
маркази фронт орти ва молиявий таъминот цикли ўқитувчиси,

²Мингбоев Иброҳим Алишер ўғли

Ўзбекистон Миллий университети ҳарбий тайёрғалик ўқув
маркази фронт орти ва молиявий таъминот цикли курсанти.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7825062>

ARTICLE INFO

Received: 05th April 2023

Accepted: 12th April 2023

Online: 13th April 2023

KEY WORDS

Озиқ-овқат маҳсулотлари,
сифат, органолептик ва
лаборатория усуллар,
моддалар, технологик
жараёнлар, таъм, ҳид, ранг,
ассортимент, маҳсулотлар
кимёвий таркиби.

ABSTRACT

Мазкур мақолада озиқ-овқат маҳсулот сифатига бўлган талаблар, маҳсулотларни технологик жараёнлари, нормал ҳолатининг бузилиши, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирадиган моддалар, маҳсулотларини тайёрлашда сарфланадиган хом ашё, озиқ-овқатларни ташиш тартиби, сифатини аниқлашда органолептик ва лаборатория усулларидан фойдаланилиши ва озиқ-овқат маҳсулотларининг таснифланиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

КИРИШ: Ҳозирги кунда давлатимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори ва сифат кўрсаткичларини оширишга йўналтирилган кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларининг бизнинг иқлим шаротига мос, тезпишар, экспорт боп, озуқавий қиймати юқори бўлган янги навлар яратилмоқда. Қолаверса, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини аниқлаш товаршуносликнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Маҳсулот сифатига бўлган талаблар Ўзбекистондаги тегишли стандартлар ва техник шартлар билан белгиланади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати - уларни истеъмол этиш учун яроқли эканлигини белгиловчи хусусиятларнинг йиғиндисидир. Бундай хусусиятларга маҳсулотнинг озуқавий қиймати ва таъм кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Озиқ - овқат маҳсулотлари сифати асосан хом ашёга, қайта ишлаш технологиясига, маҳсулотнинг кимёвий таркибига, сақлаш, қадоқлаш-жойлаштириш ва ташиш шароитларига боғлиқдир.

Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда сарфланадиган хом ашё (сут, гўшт, сабзавотлар ва бошқалар) кўпинча тайёр маҳсулотнинг физик-кимёвий ва лаззатли хусусиятларини белгилаб беради. Бундан ташқари хом ашё маҳсулотларида бир қанча нуқсонларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлиши мумкин. Масалан, ифлосланган ёки ачиган сутдан юқори сифатли пишлоқ тайёрлаб бўлмайди, кўкариб қолган буғдойдан эса яхши нон ёпиб бўлмайди ва ҳоказо.

Ўсимликлардан олинadиган маҳсулотларнинг таркиби ва хусусиятлари эса кўпинча ўша маҳсулотлар ўсган жойларга, иқлим шароитига, ерга ва унинг парвариш



қилинишига боғлиқ. Мисол учун, Ўзбекистоннинг шарқий районларида етиштирилган буғдойда ғарб районларида етиштирилган буғдойга қараганда оқсиллар кўп бўлади. Ҳайвонотлардан олинадиган маҳсулотлар ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин. Гўшт, сут, сариеғ ва балиқ каби маҳсулотларнинг сифати ҳайвонларнинг ёши, насли, озиклантириш шароити, ўша ернинг иқлими ва йил фаслига боғлиқдир.

Технологик жараёнларнинг нормал ҳолатинг бузилиши маҳсулот сифатининг анча ўзгаришига, айрим ҳолларда сақлаш вақтида нобуд бўлишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Чунончи, нордон сариеғни ишлаб чиқаришда сифати паст ачитқи ишлатилган бўлса, бу ачитқи ёғни сақлашда ўз таъсирини кўрсатади, яъни унинг таъмида ва ҳидида қандайдир нуқсон пайдо бўлади. Консервалар тайёрлашда стерилизациялаш температураси паст бўлса ёки унинг давомийлиги қисқартирилса, сақлаш вақтида белгиланган сақлаш муддатидан олдин нобуд бўлади ва ҳоказо.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирадиган моддалар уларнинг озукалик қийматига таъсир этибгина қолмай, балки маҳсулотларнинг физик- кимёвий ва биологик хусусиятларини ҳам белгилаб беради. Масалан, таркибида ёғ миқдори кам бўлган пишлоқ ёғ миқдори кўп бўлган пишлоққа нисбатан анчагина дағал ва зич консистенцияга (кўйиқликка) эга бўлади. Кўпчилик маҳсулотларнинг таъми уларнинг таркибидаги қанд моддасига қараб ўзгаради. Тузланган балиқнинг сифати эса таркибидаги ош тузига маълум даражада боғлиқ бўлади. Кўпинча озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати таркибидаги органик кислоталарнинг борлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шароитлари уларнинг сифатига жуда катта таъсир кўрсатади. Маҳсулот ҳарбий қисмга етиб келгунча бир жойдан иккинчи жойга ташилади. Маълум муддатгача омборхона ва музлатгичларда сақланади. Кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш муддати уларнинг маълум даражада етилишига (мева, сабзавотлар) ёки сақлаб меъёрига етказилишига (пишлоқ ва винолар) боғлиқдир. Озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпчилиги тез бузиладиган, яъни аниқ бир температура ва ҳаво намлигида сақлаш талаб қилинадиган маҳсулотлар гуруҳига киради. Айрим озиқ-овқатлар белгиланган миқдордан юқорида температурада сақланса, уларнинг хусусиятларини ўзгартирувчи кимёвий ва биологик ўзгаришлар бошланиб қолади. Турли озиқ-овқат маҳсулотлари учун сақлаш температураси турлича қилиб белгиланган. Агарда маҳсулотлар белгиланган температурада сақланса, улар ўзларининг дастлабки хусусиятларини камроқ йўқотади. Масалан, гўшт консервалари 0°C дан 15°C гача температурада бир йилгача сақланади, гўшт ва ўсимлик консерваларидан тайёрланган консервалар 0°C дан 10°C гача, мевалар 0°C дан 1°C (мандарин 3°C) дан паст бўлмаган температурада яхши сақланади. Айниқса, таркибида суви кўп бўлган маҳсулотларни сақлашда температуранинг ўзгариб туриши ёмон таъсир кўрсатади. Ҳаво кирмайдиган қилиб ёпилмаган идишлардаги озиқ-овқатлар сақланадиган жойларда ҳавонинг намлиги ҳам уларнинг сифатига анча таъсир кўрсатади. Яъни, ҳаво жуда қуруқ бўлса, айрим маҳсулотлар (пишлоқлар) қуриydi, ҳаво жуда нам бўлса, намланиб қолади (шакар, қанд, туз). Ҳаво намлигининг юқори бўлиши озиқ-овқатларни моғорлаб қолишига сабабчи бўлади.

Қадоқлаш-жойлаш ҳам маҳсулотларнинг сифатига таъсир кўрсатади. Тўғри қадоқланган-жойланган маҳсулотлар ифлосланмайди, қуримайди, моғорламайди, ёғи эриб кетмайди.

Озиқ-овқатларни ташиш вақтида тегишли қоидаларга риоя қилинмаслиги ҳам маҳсулотнинг сифатига ёмон таъсир этиши мумкин. Ёз вақтлари гўшт совутилмасдан ташилса, у бузилади. Мевалар ташиш вақтида чайқалса, уларнинг консистенциялари ўзгаради. Айрим маҳсулотлар ташиш вақтида музлаб қолса, у ўз қийматини йўқотади. Баъзи ҳолларда эса бутунлай истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади (масалан, ҳўл мева, сабзавот ва бошқалар).

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини аниқлашда *органолептик* ва *лаборатория* усулларидан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИ:



Озиқ овқат маҳсулотлари сифатини аниқлаш ¹

Органолептик усул бу инсоннинг сезувчи аъзолари ёрдамида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини кўрсаткичларини аниқлаш ҳисобланади. Инсоннинг аъзолари ёрдамида озиқ-овқат маҳсулотларини кўринишини, рангини, таъмини, ҳидини, қўйиқлиги ва бошқаларни аниқлаши мумкин (расм).

Таъм. Инсоннинг таъм сезувчи нерв толалари ёрдамида аниқланади ва инсон миясига юборади. Нерв толалари тилнинг юқори қисмида ҳамда оғизнинг бўшлиғида жойлашган. Маҳсулотнинг таъми оғизда эритилган тақдирадагина аниқланиши мумкин. Асосан тўртта таъмнинг тури мавжуд: ширин (таъм берувчи: шакар ва айрим аминокислоталар), шўр (таъм берувчи: туз), нордон (таъм берувчи: кислоталар-лимонли, олмали, уксусли ва бошқалар) ва аччиқ (гликозидлар, алкоидлар, К, Mg, Ca).

¹ Муаллиф томонидан тайёрланди.



Маҳсулотнинг аниқ таъмини билиш учун ушбу маҳсулотнинг ҳарорати инсон баданидаги ҳароратга яқин бўлиши керак. Маҳсулотнинг ҳарорати қанчалик паст даражада бўлса, унинг таъмини билиш қийинлашади.

Ҳид. Маҳсулотнинг ҳидини инсоннинг ҳид сезиш нерв толалари ёрдамида аниқланадиган сезгилар ҳисобланади. Инсоннинг ҳид сезиш нерв толалари инсон бурнининг бўшлиғида жойлашган. У маҳсулотнинг ҳидини буғли ҳолатда нафас олиш орқали қабул қилади, аниқлайди ва аниқланган маълумотни мияга юборади.


Ҳозирги кунда етти хил ҳид тури мавжуд: камфарали (гексахлорэтан), мушк, гулли, ялпиз, эфир, ўткир, чиритқи ҳидлари. Ҳидни қабул қилиш инсон организмнинг ҳолатига боғлиқ. Сезги органларининг чарчаши, инсонлар томонидан сигарет чекиш, дорилар билан даволаниш сезги органининг сезиш даражасини камайтиради.

Ҳидни сезиш учун ҳар бир маҳсулотга оралиқ ҳароратлар белгиланган. Мисол учун ҳайвон ёғларини ҳидини билиш +38 дан +55⁰С, музлатилган гўшт маҳсулотларини дастлаб, + 82⁰С гача қиздирилади, сўнгра + 55⁰С гача совитилиб ҳиди аниқланади.

Ранги. Маҳсулотнинг ранги унинг нурни қайтаришига ёки ўзидан нурни қанча чуқурликда ўтказишига боғлиқ. Ранг орқали унинг янги ёки узоқ саланганлигини, пишган ёки пишмаганлигини, ейишга яроқлилигини ва бошқа хусусиятларни билиб олишимиз мумкин. Ушбу вазифани инсоннинг кўзи ёрдамида бажарамиз. Инсоннинг кўзи ёрдамида нафақат маҳсулотнинг рангини, балки унинг тиниқлилигини, шаклини, кўйиқчилигини, қадоқланишини ва бошқаларни ҳам аниқлашимиз мумкин.

НАТИЖАЛАР: Лаборатория усулида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини аниқлаш кимёвий реактивлар ва махсус ўлчов асболари ёрдамида ўтказилади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини аниқлаш Мудофаа вазирлигидаги ветеренария ва бирлашган омборлардаги лаборатория бўлимларида амалга оширилади. Лаборатория усулининг афзаллиги сифат кўрсаткичнинг аниқ белгилаб бериши ва миқдорий кўрсаткичларни ифодалашидадир.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг таснифланиши. Таснифланиш - бу маҳсулотнинг умумий белгиларига кўра гуруҳларга ажратиш ҳисобланади. Озиқ - овқат товарларини таснифлаш эса кенг ассортиментдаги товарларни белгилари бўйича ажратиб, тўғри сақлашни ташкиллаштирувчи, талабдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқишни йўлга қўяди. Таснифланиш асосларига турли хил белгилар киради: ишлаб чиқарилиши, кимёвий таркиби, хом ашёга ишлов бериш поғонаси, товарнинг мўлжалланиши ва бошқалар.



Озиқ-овқат маҳсулотлари кўриниши.²

Озиқ-овқат маҳсулотлари кимёвий таркиби, келиб чиқиши ва ишлаб чиқаришдаги қатнашишига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратилган: I. Дон ва дон маҳсулотлари; II. Мева ва сабзавот маҳсулотлари; III. Крахмал, қанд-шакар, кондитер маҳсулотлари; IV. Лаззатли маҳсулотлар; V. Озиқ-овқат ёғлари; VI. Сут ва сут маҳсулотлари; VII. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари; VIII. Тухум маҳсулотлари; IX. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари.

МУҲОКАМА: Ассортимент - истеъмол хусусиятлари бир хил бўлиб, бир-биридан конструктив кўрсаткичлари билан фарқ қиладиган товарлар йиғиндисидир. Оддий қилиб айтганда, бир хил маҳсулотнинг турли кўрсаткичлари бўйича гуруҳланган маҳсулотлар рўйхати. Сифат ва ассортимент истеъмол қийматнинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Ассортимент - франсузча “assortiment” ибораси бўлиб турли сараланган товар навлари (сортлари) деган маънони англатади.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотув ассортиментларига ажратилади.

Ишлаб чиқариш ассортименти бирорта йўналиш бўйича (сут, гўшт ва бошқалар) саноат тармоғи томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рўйхати тушунилади.

Сотув ассортименти - бу сотув корхоналари томонидан сотиладиган маҳсулотлар рўйхатига айтилади.

ХУЛОСА: Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки бундан ташқари озиқ-овқат маҳсулотлари навларга бўлинади. Нав бир хил маҳсулотнинг сифат даражасини белгилаб беради ва у маҳсулотларнинг ташқи кўриниши, тузилиши, кимёвий таркиби, таъми ва ҳиди кўрсаткичларига боғлиқ. Озиқ-овқат маҳсулотларининг навлари давлат стандартларида кўрсатиб ўтилган. Мисол учун қора чойнинг олти нав мавжуд: букет, экстра, олий, 1,2 ва 3-нав.

² Муаллиф томонидан тайёрланди.



References:

1. 2020 й 28 декабрдан “ЎР МВ қўшинлари таъминотига олиб келинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари, паёклари ва рационларининг кимёвий таркиби ва энергитек қийматини аниқлаш қойдаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги ЎР МВ 809-сонли буйруғи.
2. Усмонов Р.С. Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси ва товаршунослиги. СОҲАҚМБЮ, 2015.
3. Журавлева М.Н., Троян А.В. Товароведение продовольственных товаров. М.: Экономика, 1975 года.
4. Боровикова Л.А., Герасимова В.А., Эвдакимов А.М., Жустров В.Н. Товароведения продовольственных товаров. М.: Экономика, 1988 года.